Гос. книжная палата УзССР
22 СЕН 82
ОПИСАНО

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ Ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЧОРШАНБА № 216 (2.622). Баҳоси 3 тийин.

## ИЛҒОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1982 йил сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

**Хоразм области** (область партия комитетининг секретари М. Худойберганов, область ижроия комитетининг раиси К. Сафоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи К. Содиқов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси В. Мирзақулов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Абдурахмонов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси вазифасини ижро этувчи Х. Ғуломов, район комсомол комитетининг секретари Ш. Муҳаммаджонов). Бу район пахта тайёрлаш планини 39,65 процент, машина терими планини 41,09 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 37,35 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Ғиждувон районидан олиб берилади;

**Тошкент областининг Оққўрғон райони** (район партия комитетининг секретари З. Мақсумов, район ижроия комитетининг раиси У. Мирзақулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. Усмонов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси Т. Набиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Гусеинов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси К. Ким, район комсомол комитетининг секретари Д. Абдуллаев). Бу район пахта тайёрлаш планини 32,8 процент, машина терими планини 29,17 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 30,89 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро область Бухоро районидан олиб берилади;

**Қорақалпоғистон АССРнинг кўрик Элликқалъа райони** (район партия комитетининг секретари О. Примов, район ижроия комитетининг раиси З. Хўжаниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Н. Нуримбетов, райсельхозтехника бошқарувчиси А. Йўлдошев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ю. Отажонов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Т. Примбетов, район комсомол комитетининг секретари К. Собиров). Бу район пахта тайёрлаш планини 36,03 процент, машина терими планини 13,02 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 25,05 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Қумқўрғон районидан олиб берилади;

**Фарғона область Киров районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози** (совхоз директори Г. Пўлатов, партия ташкилотининг секретари И. Усмонов, касаба союз комитетининг раиси И. Қобилов, комсомол комитетининг секретари И. Ботиров). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 43,68 процент, машина терими планини 24,96 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 40,51 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ шу райондаги Киров номли совхоздан олиб берилади;

**Бухоро область Когон районидаги Ульянов номли кўрик совхоз** (совхоз директори Э. Саидов, партия ташкилотининг секретари Ч. Курбонов, касаба союз комитетининг раиси Т. Курбонов, комсомол комитетининг секретари М. Кулиев). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 79 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 47,33 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро область Вобкент районидаги 1-совхоздан олиб берилади;

**Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз** (совхоз директори А. Курбонов, партия ташкилотининг секретари Х. Назаров, касаба союз комитетининг раиси Н. Қиёмов, комсомол комитетининг секретари Р. Курбонов). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 71,52 процент, машина терими планини 77,22 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 47,03 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ шу областнинг Қумқўрғон районидаги Ульянов номли совхоздан олиб берилади;

**Тошкент область Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози** (колхоз правлениеси нинг раиси М. Пўлатов, партия ташкилотининг секретари А. Зоитов, касаба союз комитетининг раиси А. Ғуломов, комсомол комитетининг секретари С. Очилов). Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 71,52 процент, машина терими планини 77,22 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 71,23 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади;

**Наманган область Чортоқ районидаги «Москва» колхози** (колхоз правлениесининг раиси Ю. Бобохонов, партия ташкилотининг секретари Х. Ғайбуллаев, касаба союз комитетининг раиси Х. Ғайбуллаев, комсомол комитетининг секретари А. Халилов). Бу колхоз ўн кунликда ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда пахта тайёрлашнинг 51,45 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан олиб берилади.

## УЛКАН ХИРМОН УЧУН

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бухоро | 2,32 | 40,76 | 0,93 | 3,87 |
| Хоразм | 2,88 | 39,92 | 2,35 | 15,81 |
| Сурхондарё | 2,18 | 29,34 | 1,71 | 14,93 |
| ҚҚАССР | 2,69 | 28,47 | 2,17 | 11,16 |
| Навоий | 1,95 | 26,97 | 1,03 | 4,16 |
| Тошкент | 3,30 | 26,17 | 3,43 | 22,68 |
| Наманган | 1,84 | 24,22 | 1,30 | 5,60 |
| Андижон | 0,87 | 23,40 | 0,25 | 0,84 |
| Фарғона | 0,95 | 23,33 | 0,51 | 3,05 |
| Қашқадарё | 1,42 | 21,58 | 0,68 | 6,67 |
| Самарқанд | 2,03 | 20,00 | 1,39 | 5,89 |
| Жиззах | 1,83 | 8,80 | 2,00 | 6,43 |
| Сирдарё | 1,35 | 7,50 | 1,50 | 5,25 |
| Республика бўйича | 1,90 | 24,68 | 1,47 | 8,34 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Наманган | 5,06 | 33,72 | — | — |
| Навоий | 5,00 | 32,35 | — | — |
| Сурхондарё | 2,42 | 26,73 | 1,92 | 12,00 |
| Бухоро | 1,84 | 18,40 | — | — |
| Қашқадарё | 0,81 | 11,87 | 0,02 | 0,07 |
| Республика бўйича | 2,03 | 22,04 | 1,13 | 7,04 |

## ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ МАВСУМНИНГ ШУ ДОЛЗАРБ ПАЛЛАСИДА ҲАР БИР ДАҚИҚАНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ, ТЕРИМ СУРЪАТИГА СУРЪАТ ҚУШАЙЛИК.

⊙ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ ЮКСАК УНУМ БИЛАН ИШЛАТИНГ, УЛАРНИНГ БИРОР ДАҚИҚА ҲАМ БЕКОР ТУРИБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

⊙ ЭЛ ХИРМОНИГА ФАҚАТ АЪЛО СИФАТЛИ «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШОН-ШАРАФ ИШИМИЗ БЎЛСИН.

⊙ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЮКСАК «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИНИ ТЕЗРОҚ БУНЁД ЭТИШ УЧУН БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТАЙЛИК.

## Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Я. АРАФАТГА МАКТУБИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номига Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафатдан мактуб олинди. Мактубда у Исроил агрессорлари фаластинлик қочоқларнинг Байрутдаги лагерларида хунрезлик қилганлигини хабар қилади.

Бунга жавобан Л. И. Брежнев Я. Арафатга қуйидаги мактубни йўллади:

«Азиз ўртоқ Ясир Арафат!

Менга йўллаган мактубингизни ўқиб, чуқур қайғуга тушдим.

Дарҳақиқат, исроиллик агрессор Ғарбий Байрутда даҳшатли жиноятлар қилиб, у ердаги тинч фаластин аҳолисини — аёллар, гўдаклар ва кексаларни қирғин қилмоқда. Фаластинликларга нисбатан қилинаётган бу геноцид иккинчи жаҳон уруши вақтида гитлерчилар бошқа халқларга, шу жумладан яҳудий халқига нисбатан қилган геноциднинг ўзгинасидир.

Инсоннинг ақл-идроки, виждони ва ор-номуси Исроил нинг Ливандаги ёвузликларига қарши тўғён урмоқда. Исроил раҳбарлари шундай жиноятларни қилиш орқали неча асрлар давомида муқаддас билиб келинган халқаро нормалар ва тушунчаларнигина эмас, шу билан бирга ўзининг инсоний қиёфасини ҳам лойга булғамоқдалар. Исроил ҳукмрон юқори тўдасининг бу жиноятларини фаластинликлар билан бирга дунёнинг бошқа ҳамма халқлари ҳам унутмайдилар ва кечирмайдилар.

Қилинган ёвузликлар учун жиноятчининг ўзи ҳам, шунингдек унинг шериги — Исроилни қуроллантирган ва уни қонли ваҳшийликлар қилишга рағбатлантирган кимсалар ҳам жавобгардирлар. Баъзи бировларда Фаластиннинг ҳарбий бўлинмалари Байрутдан чиқиб кетганидан кейин Вашингтон арабларни қўллаб-қувватлайди, фаластинликлардан ўч олишишга йўл қўймайди, деган хом хаёллар бўлган бўлса, чунки Оқ уй расмий равишда худди шундай ваъда қилган эди, — энди бу хом хаёллар фаластинликларнинг лагерларида дарё бўлиб оқаётган қонда ғарқ бўлиб кетди.

Ўртоқ Ясир Арафат, минглаб фаластинликлар ва ливанликларнинг фожиали ҳалокати хусусида Сиз билан бирга қайғурамиз ва ғазабланамиз. Шу жиноятларни тўхтатиш ва агрессорни Ливандан чиқиб кетишга мажбур этиш учун бундан буён ҳам Сиз билан бирга қатъият билан кураша берамиз.

Ҳурмат билан,

Л. БРЕЖНЕВ».

## КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

Музокаралар пайтида. М. Харламшев фотоси.

20 сентябрь куни Кремлда Совет—Ҳиндистон музокаралари бошланди.

Совет томонидан музокаралари: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев.

Ҳиндистон томонидан: Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди, Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао, Бош министрнинг бош маслаҳатчиси Ж. Партхасаратхи, Бош министрнинг бош секретари доктор П. Ч. Александер, Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар секретари М. Расготра, Бош министрнинг иқтисодий маслаҳатчиси А. К Сенгупта олиб бормоқдалар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтаётган музокаралар чоғида Совет—Ҳиндистон муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан, шунингдек ҳозирги халқаро вазиятнинг кўпдан-кўп проблемалари юзасидан чуқур фикрлашиб олинди.

Совет—Ҳиндистон дўстона муносабатлари, иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорлик тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам негизида мустаҳкамланиб бораётганлиги, шунингдек СССР ва Ҳиндистон раҳбарларининг Деҳлидаги 1980 йилги учрашуви давомида эришилган битимлар ва аҳдномалар муваффақиятли турмушга татбиқ этилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Ҳар иккала томон бу ҳамкорликни СССР билан Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатини иккала мамлакат халқларининг бахтсаодати йўлида, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш интилаётганлиги тасдиқланди.

Халқаро проблеларни муҳокама қилиш чоғида қуролланиш пойгаси кучайтирилаётганлиги, ҳарбий можаро манбалари вужудга келтирилаётганлиги, ядро урушига йўл қўйиш мумкинлигини оқловчи хатарли урушқоқлик доктриналари эълон қилинаётганлиги натижасида дунёдаги кескинлик хатарли равишда ошганлигидан хавотирлик изҳор этилди.

Совет иттифоқи билан Ҳиндистоннинг фикрича, ҳозир тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш ҳам муҳимроқ ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вужудга келаётган халқаро вазиятда урушнинг йўлини тўсиш—замонанинг амридир, бас, шундай экан, бутун куч мана шунга қаратилиши лозим. Бошқа ҳеч қандай мулоҳазалар, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ёки тафовутлар бутун инсоннят учун ҳаётий муҳим бўлган мана шу ишга монелик қилиши мумкин эмас.

Музокараларнинг қатнашчилари Исроилнинг Ливан, Фаластин халқларига ва бошқа араб халқларига қарши ташқиндан рағбатлантирилаётган жиноятқорона агрессиясини, унинг Ливан диёридаги қонли ёвузликларини кескин қораладилар ҳамда Исроил қўшинларининг Ливандан дарҳол ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. Ливандаги фожиали воқеалар Яқин Шарқ проблемасини одилона ва ҳар тарафлама бартараф қилиш тезроқ амалга оширилиши зарурлиги тўғрисидаги масалани яна жуда ўткир қилиб қўймоқда, бу проблемани бартараф этишга барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан фаластин халқи бирдан-бир қонуний вакили — Фаластин Озодлик ташкилотининг иштироки билангина эришилиши мумкинлигига СССР билан Ҳиндистоннинг ишончи комил.

Ҳинд океани районидаги аҳвол тўғрисида фикрлашув чоғида Л. И. Брежнев бу ердаги ҳарбий кескинликни юмшатишга шу океан соҳилидаги мамлакатларнинг уни тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклифини рўёбга чиқариш йўли билан эришиш лозимлигини таъкидлади.

Совет Иттифоқи ўз томонидан Ҳинд океани проблемалари юзасидан барча манфаатдор тарафлар билан ҳар қандай—икки томонлама ва кўп томонлама музокаларни тўла тенглик ва баббаравар хавфсизлик асосида ўтказишга тайёр.

Иккала томон Жануби — Ғарбий Осиёда давом этаётган кескинликдан жуда ташвишланаётганликларини изҳор этдилар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон шу районнинг проблемалари сиёсий йўл билан тинч ҳал этилиши лозимлигини яна тасдиқладилар.

Жануби-Шарқий Осиёдаги аҳвол тўғрисидаги фикрлашув чоғида музокараларнинг қатнашчилари бу район проблемаларини ҳал этиш — аввало мазкур регион давлатларининг ўз иши эканлигига ишонч изҳор қилдилар. Л. И. Брежнев Ҳиндистоннинг Ҳинди-Ҳитой давлатлари билан мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигини ижобий факт деб қайд этди.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда қўшилмаслик ҳаракати, бу ҳаракатнинг империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши курашдаги актив иштироки аҳамияти янада кўпроқ ортиб бораётганлиги музокараларда уқтириб ўтилди. Л. И. Брежнев Ҳиндистоннинг бу ҳаракатдаги ижобий ролини юксак баҳолади ва қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан ҳамда эътироф этилган раҳбарларидан бири бўлмиш Ҳиндистон унинг тинчлик, халқаро хавфсизлик ва халқлар озодлиги учун кураш олижанов мақсадлари теварагида жипслашувига кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Музокараларнинг қатнашчилари иккала мамлакат раҳбарларининг мунтазам сиёсий алоқалари ва ўзаро дўстона визитлари СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг яхши анъанаси ва самарали воситаси бўлиб қолганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Бу алоқалар ва визитлар Совет—Ҳиндистон муносабатларининг бутун комплексини илгари силжитишга кўмаклашади, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

(ТАСС).

## ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР Олий Советининг Президиуми билан СССР ҳукумати 20 сентябрда Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Бош министри И. Ганди шарафига зиёфат берди.

И. Гандига ҳамроҳ бўлиб келган Ҳиндистоннинг давлат арбоблари у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари, СССР давлат ва комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

### Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарама Бош министр хоним!

Азиз Ҳинд дўстлар!

Ўртоқлар!

Биз атоқли давлат арбоби, улуғ Ҳинд халқининг мамлакатимизда ва бутун дунёда ғоят машҳур қизи, Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира Ганди хонимни совет пойтахтида яна астойдил қувонч билан табриклаймиз.

Бизнинг учрашувларимиз ва суҳбатларимиз доимо самимий ва очиқ кўнгиллик вазиятида ўтади. Ҳар бир мана шундай учрашув Совет—Ҳиндистон муносабатларини ривожлантиришга, Осиёдаги ва умуман дунёдаги вазиятга ҳайрли таъсир қилади.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар — башарти, холис ният намойиш этилса ва бир-бирининг манфаатлари амалда эътиборга олинса, турли иҳтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида ҳамкорлик нақадар сермаҳсул ва мустаҳкам бўлиши мумкинлигининг яққол намунасидир.

Тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ҳамда суверенитет ва мустақилликни ўзаро ҳурмат қилиш — истисносиз ҳамма соҳалардаги Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигининг ўзига хос белгиларидир.

Бизнинг иқтисодий алоқаларимизда тенглик ва ўзаро манфаат принциплари ва бир қанча катта-катта халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишда — оғир саноат асосларини яратишда, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика базасини мустаҳкамлашда Ҳиндистонга берилаётган кўмак билан уйғун равишда бирга қўшилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЯЙЛОВЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ЖИЗЗАХ, 21 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда очилган Бутуниттифоқ кенгаши Ўрта Осиё республикалари билан Қозоғистоннинг ярим чўл ва чўл зоналаридаги яйловлар маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланишни яхшилаш проблемаларига бағишланди. Кенгашда ўрмон хўжалиги мутахассислари, олимлар иштирок этмоқдалар.

СССР ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг раиси Г. И. Воробьев кириш нутқи сўзлаб кенгашни очди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров кенгаш аҳлини табриклади.

Кенгаш қатнашчилари ўрмон ходимларининг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қиладилар, чорвачиликни ривожлантириш учун ишончли негиз бўлган сермаҳсул яйловлар вужудга келтириш тажрибасини ўртоқлашадилар.

Уч кун давом этадиган кенгаш программасига мувофиқ Жиззах ўрмон ходимларининг илғор иш методлари билан танишилади, Фориш ва Бахмал районларининг хўжаликларига борилади, яйлов иҳота дарахтзорлари, республикада ўрмон мелиорацияси учун қўлланилаётган машиналар ва асбоб-ускуналар кўздан кечирилади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Е. А. Айтмуротов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этмоқдалар.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги хизматлари учун ва Қорақалпоғистон радиосининг 50 йиллиги муносабати билан **Қорақалпоғистон АССР телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитети** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри.
1982 йил 21 сентябрь.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ Д. В. КОЗЛОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги юридик бўлимининг мудири ўртоқ Динамара Владимировна **Козлова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри.
1982 йил 21 сентябрь.

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Бошы биринчи бетда).

Совет Иттифоқи учун бошқа мамлакатлар билан савдосотиқ ва иқтисодий алоқалар ҳеч қачон кўпроқ фойда ундириб олиш воситаси ҳам, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик қуроли ҳам бўлмаганлиги ва бундай эмаслигини ҳинд дўстларимиз яхши биладилар.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ўзга мамлакатларнинг манфаатлари ва хавфсизлигига ёки иккала давлатимиздан ҳар бирининг ўзга мамлакатлар билан муносабатларига асло зарар етказмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз жаҳон сиёсатининг салмоқли ва самарали омили бўлиб қолди. Барқарор ва мустаҳкамланувчи омил бўлиб қолди. Бу омил халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга фойдали тарзда амал қилмоқда. Ҳозирги таҳликали халқаро вазиятда бу нарса айниқса қимматлидир.

Бизнинг мамлакатларимиз аввало уруш хавфини тугатиш зарурлиги хусусида якдилдирлар. Жаҳонга ҳукмрон бўлишга эришишдан иборат тўлабонома муддаога берилиб, қуролланиш пойгасини қучайтираётган ва уруш васвасасини авж олдираётган кимсаларнинг қатти-ҳаракатлари уруш хавфини вужудга келтирмоқда.

Империалист доираларнинг агрессивлиги кескин қучайганлигини ривожланаётган мамлакатлар ҳам, айниқса эски ва янги мустамлакачилар олдида тиз чўкишни истамайдиган мамлакатлар ҳам тобора кўпроқ сезиб турибдилар. Яқин ва Ўрта Шарқда, Лотин Америкасида, Африка жанубида содир бўлган ва кўплаб қон тўкилишига олиб келган воқеалар бунинг далилидир.

Кейинги кунларда исроилнинг агрессорлар Ғарбий Байрутда қилган ашаддий хунрезлик ва шунинг натижасида минглаб гуноҳсиз фаластиниликлар ва ливаниликлар, асосан аёллар ва ўғлаклар ҳалок бўлганлиги дунёдаги барча софдил кишиларнинг қаҳр-ғазабини қўзғамоқда.

Агрессив кучларнинг бебошлигига чек қўйиш, инсониятнинг ядровий фалокатга тойиб боришини тўхтатиш учун ҳозир конкрет ҳаракатлар қилиш ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Совет Иттифоқига келганда, биз КПСС XXVI съездида маъқулланган 80-йилларнинг Тинчлик программасида кўзда тутилганидек, халқларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсатига қатъият билан амал қилиб келаяпмиз. Совет Иттифоқининг жаҳондаги вазиятни соғломлаштиришга, тўхтовсиз қуролланиш пойгасини жиловлашга, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган катта-катта ташаббуслари, конкрет таклифлари бутун дунёга маълум.

Биз одилона ва тенг ҳуқуқли битимлар тузишга тайёрмиз. Шу билан бирга биз холис ният руҳида, яхши намуна кўрсатиш ниятида ўз ташаббусимиз билан амалий қадамлар ҳам қўймоқдамиз.

СССРнинг Марказий Европадаги ўз қўшинлари ва қурол-яроғлари сонини қисқартириш, ўртача олисликка учадиган ҳамда Ғарбий Европадаги объектларни нишонга оладиган ядро қуролини жойлаштиришни тўхтатиш ва унинг миқдорини қисқартириш сингари қадамларини эслатиб ўтаман.

Ниҳоят, биз биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини ихтиёрий равишда олдик. НАТО мамлакатлари бунга ўз томонидан холис ният руҳида бирон-бир тарзда жавоб беришларини ҳали ҳам кутиб турибмиз.

Бизнинг таклифларимиз Осиёдаги тинчликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Масалан, ишонч тадбирларини денгизлар ва океанлар акваторияларининг анча қисмига ёйиш тўғрисидаги даъват Ҳинд океани мамлакатларининг бу районни тинчлик зонасига айлантириш йўлидаги куч-ғайратларига ҳамоҳангдир.

Бу куч-ғайратларнинг муваффақияти Ҳинд океани ҳавзаси давлатларининг ўз активлигига, уларнинг сиёсати нечиллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда улар мамлакатимизнинг тўла мададкорлигига аввалгидек умид қилаверишлари мумкин.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1983 йил биринчи ярмида Ҳинд океанига бағишланган халқаро конференция ўтказиш тўғрисида қарори борлиги маълум. Бунинг учун биз қулай вазият яратиш мақсадида кемалари Ҳинд океани сувларида қатнайдиган барча мамлакатларни конференция чақирилгунга қадар райондаги вазиятни баттар чигаллаштириши мумкин бўлган ҳар қандай қадамлардан воз кечишга чақирамиз.

Жумладан, у ерга йирик ҳарбий денгиз қўшилмалари юборишдан, ҳарбий базаларни ташкилотлаштириш ва ҳарбий базаларни кенгайтириш ва модернизация қилишдан воз кечишга чақирамиз.

Шунингдек биз Ҳинд океанидаги ҳарбий фаолиятни чеклаш ва қисқартириш тўғрисида Америка томони тўхтатиб қўйган икки томонлама музокараларни қайтадан бошлашга ҳар вақт тайёрмиз.

Хуллас, биз — кескинлик юмшатилиши тарафдоримиз, уруш хавфи тугатилиши ва бутун дунёда тинч ҳамкорлик кенгайтирилиши тарафдоримиз.

Шу муддаодан илҳомланган Совет Иттифоқи НАТО ва Варшава Шартномасининг раҳбар органлари шу иттифоқларнинг ҳаракат доираси Осиё, Африка ва Лотин Америкасига ёйилмаслиги тўғрисида баёнот беришларини таклиф қилади.

Икки ҳарбий-сиёсий гуруҳ томонидан қўйиладиган мана шундай қадамни шу қитъалардаги бошқа тинчликсевар мустақил давлатлар қатори Ҳиндистон ҳам ижобий кутиб олади, деб ўйлайман.

Сўзимнинг охирида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўз муносабатларини бундан буён ҳам ўз халқларининг фаровонлигини, инсониятнинг тинч келажаги манфаатларини кўзлаб, синалган дўстлик ва ҳамкорлик йўлида давом эттирабердилар, деб ишонч изҳор этмоқчиман.

Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира Ганди хонимнинг ва Ҳиндистондан келган барча меҳмонларимизнинг соғлиги учун:

улуғ ҳинд халқининг муваффақиятлари ва омон-эсолиги учун:

мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши учун:

ер юзида мустаҳкам тинчлик учун! — қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

И. Ганди жавоб нутқи сўзлади.

## И. ГАНДИ нутқи

Президент Брежнев жаноби олийлари!

Раис Тихонов жаноби олийлари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Мен Совет Иттифоқига яна бир бор келиш, Москвада ва Кремлнинг мана шу қўпдан-кўп тарихий воқеалар шоҳиди бўлган унутилмас залига қадам қўйиш имконияти топилганидан хурсандман. Сизнинг табрик сўзларингиздан миннатдорман.

Совет Иттифоқи жуда катта қудратга эга ва юксак обрў-эътибор қозониб турибди. Бу — қаҳрамон халқ Ватанидир, биз унинг дўстлигига самимий дўстлик билан жавоб қайтарамиз. Бошқа ҳар қандай боғ каби дўстлик боғини ҳам доимо парваришлиқ қилмоқ керак. Президент жаноблари, Сиз 1980 йилдан аввал ва 1980 йилда Ҳиндистонга борганлигингиз, шунингдек мен қилган сафарлар ҳам бу боққа янги дарахтлар ўтказиш имконини берди, мана шу дарахтлар яқин келгусида мева бераверади.

Бизнинг дўстлигимиз ўзаро манфаатлидир. Юқори мартабали мансаб соҳиблари-нинг визитлари, техника мутахассисларининг, ёзувчилар ва артистларнинг сафарлари, қўшма комиссияларимиз ва икки томонлама группаларимизнинг иши туфайли ишонч ва ўзаро ҳурмат алоқалари мустаҳкамланди. Икки томонлама савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик муттасил кенгайиб бормоқда. Совет Иттифоқининг мамлакатимизда саноатнинг металлургия ва машинасозлик тармоқлари негизини барпо этиш ишидаги ҳамфикрлиги ва шу ишда берган ёрдами учун Ҳиндистон ўз миннатдорчилигини неча бор ошкора билдириб келди. Биз ўзимиз учун қийин дамларда Сизнинг мададингизни сезиб турдик. Сиздар ўз олдингизда турган проблемаларни ҳал этишда ҳатто энг асосий сиёсий принципларимизда, ижтимоий системаларимизда ва нуқтаи назарларимизда тафовут зоҳир бўлган пайтда ҳам Ҳиндистоннинг ҳамфикрлигига умид қила олганлигингизга аминман. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Ҳиндистон Шартномасига холис ният асос қилиб олинган. Биз бундан буён ҳам дўстлигимиз иккала томон учун мустаҳкам ва салмоқли бўлиб қолаберишига интила берамиз. Биз бу дўстликни заифлаштиришга уринаётган кучларга йўл қўйиб бермаслигимиз керак.

Бутун дунёда тинчликни ва барча халқларнинг қардошлигини таъминлаш энг олий мақсаддир. Иккала халқимиз тинчлик ва ҳамкорлик йўлида тинимсиз куч-ғайрат сарфлаб келмоқда. Биз Совет-Ҳиндистон дўстлиги — бутун дунёда тинчлик ва барқарорликнинг пухта омили, деб ҳақли равишда айта оламиз. Ялпи тинчлик манфаатлари мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик бўлишини, бу мамлакатларда яшовчи қарийб жами 950 миллион кишилик аҳоли халқлар ўртасида адоватни тугатиш учун курашишда қатнашишини талаб қилади.

Дунёда кескинлик давом этаётган, халқлар ўртасида жанжалга олиб борадиган кўпгина муаммолар мавжуд бўлган бир талай районлар бор. Иқтисодий тенгсизлик чуқурлашмоқда. Катта-катта территорияларда портловчи ядро қалпоқлари ерга бамисоли аждарҳо тишларидек қадаб қўйилмоқда. Африка жанубидаги Претория режими ўзининг ирқий кибр-ҳавоси билан сурбетларча чиранмоқда ва мустамлакачиликка қарши кураш натижасида голибона вуждга келган режимларга путур етказишга интилмоқда. Ғарбий Осиёда ватанидан маҳрум бўлган фаластиниликлар азоб-уқубат ва сарсон-саргардонликка маҳкум этилган бир пайтда Исроил ошкора агрессияни давом эттирмоқда. Байрутдаги тинч аҳолининг қони тўкилганлиги бутун дунёни ларзага солди. Блокларга қўшилмаган икки мамлакат — Эрон билан Ироқ ўртасида уруш давом этмоқда. Турли қитъалар ва океанларда ҳарбий аслаҳаналар кўпайиб бормоқда, ажнабий қўшинлар кўпайтирилмоқда. Ҳиндистон ўзига қўшни бўлган мамлакатларнинг милитарлашиб бораётганлиги фактидан жуда ташвиш чекмоқда. Ўз томонимиздан биз қўшиларимиз билан мустаҳкам дўстлик ўрнатиш ҳамда эски низоларни музокаралар йўли билан бартараф этиш учун янги куч-ғайратлар сарфлаймиз. Бошқа кўпгина мамлакатлар ҳам бу мақсадга эришиш учун астойдил куч-ғайрат сарфлаётганликларини кўриб турибмиз.

Махатма Ганди билан Жавоҳарлал Неру бизга миллий манфаатларни бошқаларнинг манфаатларига зид келмайдиган тарзда белгиланглиги, деб таълим берганлар. Махатма Ганди бундай деб ёзган эди: «Мен Ҳиндистон деб аталган кичик бир парча ерда яшовчи одамлар ҳамжамиятига нисбатангина эмас, балки халқларнинг бутун ҳамдўстлигига нисбатан ҳодис ният намойиш этган тақдирдагина Ҳиндистон дахлсиз ва эркин бўла олади. Ҳиндистон бошқа кичик мамлакатларга нисбатан анча катта бўлса ҳам, аммо мана шу катта дунёда ёки коинотда Ҳиндистонни нима деб ўйлайсиз?». Бу сўзларга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бизнинг ядро асримизда турмуш қонунлари барча билан актив биргаликда яшашни ва ижобий ҳамкорликни талаб қилади.

Президент жаноблари! Сизнинг тинчликка содиқлигингиз ва Сизнинг ядровий фалокат хавфини даф қилиш йўлидаги куч-ғайратларингиз менга маълум. Сизнинг Совет Иттифоқи биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатмаслиги тўғрисидаги давлат арбобига муносиб баёнотингизни Ҳиндистон ижобий кутиб олди. Утган йили Совет Иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ядро қуролини ишлатиш БМТ Уставини бузишдан ва инсониятга қарши жиноятдан иборат, деб эълон қилинган резолюциясини қўллаб-қувватлаганлигини биз айниқса мамнуният билан қайд этган эдик. Бундан ташқари резолюцияда ядро қуроли тарк этилгунга қадар ядро қуролини ишлатишни ёки уни ишлатиш билан дўқ қилишни тақиқлаш талаби баён қилинган эди. Ғарчи БМТнинг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессияси давомида ва бошқа музокаралар чоғида умид бахш этадиган натижаларга эришилган бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда биз улуғ давлатлар бундан буён ҳам қуролсизланиш соҳасидаги музокаралар йўлидан қатъият билан бораверишларига умид қиламиз. Ҳиндистон ва қўшилмаган давлатларнинг бутун ҳамжамияти ишончи мустаҳкамлашга ва фалокат хавфини қамайтиришга кўмаклашадиган ҳар қандай тадбирни астойдил қўллаб-қувватлайберади.

Ҳиндистон БМТнинг тўла ва батамом қуролсизланишга, жумладан ядровий қуролсизланишга бағишланган сўнгги сессияда бир қанча таклифлар киритдик. уларнинг баъзилари, менинг фикримча, биринчи даражали, жуда муҳим аҳамиятга эга.

— Ядро қуролини ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияга оид музокаралар;

— ядро қуролини қўпайтирмаслик, шу жумладан бу қуролни ишлаб чиқаришни батомом тўхтатиш;

— ядро қуроли синовларини дарҳол вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги таклифлар шулар жумласига киради.

Бу таклифларни шу мураккаб проблемани ҳамма учун мақбул тарзда узил-кесил ҳал этиш учун асос қилиб олиш мумкин, деб ўйлайман.

Қуролсизланиш проблемасидан ташқари ҳозир жаҳон олдида бошқа жиддий, даҳшатли муаммолар ҳам турибди. Балки, улар ядровий фалокат эҳтимоли каби кишида даҳшат солмас, бироқ пировард натижада уларнинг ривожланаётган мамлакатлар учун оқибатлари ҳам жуда таҳликали бўлиб чиқиши мумкин. Бизни доимо таҳликага солиб турган ва биздан коллектив бўлиб қучғайрат сарфлашни талаб қилаётган проблемалардан бири ёш суверен давлатларнинг мустақиллиги ва ҳаёт қобилияти муаммосидир.

Ички ресурслари ҳамда техникавий ва бошқарувчи кадрлари ҳеч етишмаслиги сабабли ривожланишнинг қийин шароитларига тушиб қолган кўп мамлакатлар четнинг таъсири ва тазйиши объекти бўлиб қолмоқда. Халқаро ҳамжамият таг-заминли гарантияларини ишлаб чиқиб, қалтис аҳволда қолган шу мамлакатларга ёрдам бериш учун биргаликда таъсирчан чоралар кўриши зарур.

Дунё қийин ўтиш даврида турибди, бу давр хавф-хатарлар келтириб ва олдимизга дардисар муаммоларни қўйиб келмоқда. Аммо бу давр гарчи мардона тан олишимизни талаб қилса ҳам ҳар ҳолда имкониятлар даври ҳамдир. Ленининг биз тарихдан ҳозирги кунга ва қисман, келажакка қадам қўйяпмиз деган сўзларини эсга олиш кифоя.

Президент жаноблари, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, улуғ ва дўст халқнинг раҳбари, шунингдек кўпларимизнинг яхши, азиз шахсий дўстимиз бўлган Сизга эътиқодимиз ва ҳурматимизни изҳор этиб ўтмоқчиман. Ҳинд халки Сизни мамлакатларимизни бирлаштириб турган кўпдан-кўп алоқаларнинг бош меъморларидан бири деб билади. Кейинги йилларда Сиз халқаро кескинликни юмшатиш йўлида тинимсиз куч-ғайрат сарфладингиз.

Бу йил Сизнинг мамлакатингиз СССР барпо этилган кундан бери 60 йил ўтганлигини нишонлайди. Мен Октябрь революциясининг эллик йиллиги байрамида қатнашишга мушарраф бўлган эдим. Ёшлик чоғларимда отам менга сизнинг революциянгиз билан айни бир вақтда туғилганлигимдан фахрланишим мумкинлигини айтган эди. Сизнинг революциянгизни у тарихнинг ёркин алангаси деб атар эди. Сизларнинг шоирингиз Тютчев: дунёнинг тақдири ҳал этилаётган пайтда дунёга келган инсоннинг бахти бор, деган гапни айтган эди.

Шу дастурхон атрофида ўтирган кишиларнинг кўплари тарихнинг гувоҳларидир — Ленининг издошлари, Совет Иттифоқини барпо этишда қатнашган ва уни агрессиядан ҳимоя қилган кишилардир. Уларнинг ёнларида Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Нерунинг издошлари, империя қарши қуролсиз курашган ва қадимий миллатни янгидан қўлга киритилган озодлик сари бошлаб борган кишилар ўтиришибди. Шу улуғ зотлар бизга васият қилган донишмандлик ва қучқадратни муқаддас асрайлик, инсониятнинг энг яхши келажаги учун курашайлик.

Жаноби олийлари, хонимлар ва жаноблар, сизларнинг: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев жаноби олийларининг,

СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихонов жаноби олийларининг,

шу ерда ҳозир бўлган бошқа муҳтарам совет гражданларининг соғлиги учун,

меҳмондўст совет халқининг фаровонлиги учун,

Совет — Ҳиндистон дўстлиги учун қадаҳ кўтаришингизни илтимос қиламан.

* * *

Л. И. Брежнев ва И. Гандининг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

# АДАБИЁТ БАЙРАМИ ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

Мана, бир неча кундирки Орол соҳилларида кўп миллатли адабиётимиз вакиллари шеърхонликни давом эттирмоқдалар. Қардош республикалардан келган меҳмонларни Автоном республика пойтахти корхоналари, олий ўқув юртлари, Хўжайли, Элликқалъа ва Беруний районларида шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Қалам аҳлларининг ишчилар, студентлар, зиёлилар, деҳқонлар ва Мўйноқ балиқчилари билан учрашувлари адабиётларимизнинг ҳақиқий байрамига айланди.

ССР Иттифоқи ташкил этилган кунинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган қардош адабиётлар фестивали фақат адабиётлар дўстлиги эмас, халқларимиз дўстлигига айланиб кетди. Азалий анъаналарга кўра меҳмонларни ҳамма жойда ўз яқинлари, жигарўшалари сингари қучоқ очиб кутиб олган Автоном республика меҳнаткашлари қардош адабиётлар вакиллари тимсолида ўша республикаларнинг меҳнаткашларига юксак ҳурматларини билдирдилар.

Фестиваль программасига кўра қардош республикалар вакилларини 20 сентябрь куни Самарқанд ва Фарғонада ҳам қарнай-сурнай билан тантанали равишда кутиб олдилар. Меҳмонлар бир неча кун давомида Фарғона ва Зарафшон водийси билан таништилар, йирик корхоналар, колхоз ва совхозлар, ўқув юртларида бўлишиб, ўз республикалари, ўз ижодлари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб беришди. Самарқандда «Совет Шарқи халқлари адабиётларининг тараққиётида улуғ рус адабиётининг тарихий роли» деган мавзуда кўп миллатли совет адабиёти фестивали қатнашчиларининг ижодий учрашуви, Фарғонада эса «Кўп миллатли совет адабиёти замондошларимизнинг маънавий дунёсида» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилади. Шунингдек, турли учрашувлар, мушоира кечалари уюштиріладі.

Мустай КАРИМ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

## ТУҲФА ЭТДИЛАР

Кеча менинг қардошим
Қайси
Туҳфа қилди Чегим
дарёсин.
Уни қандай олиб
кетайин,
Сув, тўлқини қаердан
олсин?
— Кўк кўлни ол, — дер
шоир Адам.
Юртингда, ҳам кўзингда
бўлсин.
— Йўқ, кўзгусиз қолар
тоғлар ҳам,
Қўй жойида чайқалиб
турсин.
— Элбурснинг икки
тожидан
Хоҳлаганинг ол! — дейди
Алим.
— Айри тушса
суҳбатдошидан
Шоҳ тоғ қолар суянчсиз,
ғариб.
Қўшиқ беринг сержаранг,
учқур,
Шаршарангизсимон
туганмас.
Фикрингиздай тиниқ ва
чуқур
Ўйлар беринг сира тарк
этмас.
Дўстлик беринг менга —
оқ бошлиқ
Тоғингиздай бўлолсин
суянч.
Инсон экан йўлда
йўлдошлик
Тарк этарми қуч,
ёшлик, қувонч!
Енмай қолса гулхан
бўй чўзмас,
Оқиб турса — дарё
ҳам тирик.
Қўшиқ, фяқр, қувонч
ҳам тўзмас
Ундан баҳра олардан
дўстлик.

ЗУЛФИЯ таржимаси.

Қайсин ҚУЛИЕВ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

## ЕРИМИЗНИНГ МАЛИКАЛАРИ

Биз ҳаётда тоғларга
йўлдош,
Сиз — шу тоғни тоғ
қилган қуёш,
Сиз бор жойда
қайғулар одош,
Еримизнинг маликалари.
Сиз бор, бўлиқ дон
тугар буғдой,
Сиз боқсангиз
гулдадир чирой,
Нур деганга Сиз қуёш,
Сиз ой,
Еримизнинг маликалари.
Тикилсангиз меҳр-ла кўкка,
Тушиб келар жилва
қилиб қор,
Нигоҳингиз тушсами
тоққа,
Қучоғида яралар
гулзор.
Эҳтиросга тўлиб тунлари,
Термилсангиз самога
агар,
Оловланиб осмонинг бағри,
Чарақлайди бирдан
юлдузлар,
Шоир Сизнинг мадҳингиз
ёзлаб,
Оҳангларга айланиб
сўзлар,
Энг чиройли қўшиқ —
бу Сизлар,
Еримизнинг маликалари.
Сиз дунёга файз
бахш этган жон,
Гўзалликни кашф этган
инсон,
Сиз — муҳаббат, садоқат,
имон,
Еримизнинг маликалари.

Замира РЎЗИЕВА таржимаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

# СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА, ПАХТАКОР ЎРТОҚ?

● ҲУВУЛЛАГАН ШИПОНЛАР ● ДАМ ОЛИШ ХОНАСИМИ ЁКИ ОМБОР? ● ХЎЖА КЎРСИНГА ҚУРИЛГАН ОРОМГОҲ

Энг масъулиятли палла — пахта йиғим-терими кампанияси кун сайин қизиб бормоқда. Шавватли механизаторлар, ҳиммати баланд кўпмингкилограммчи теримчилар суръатга суръат қўшиб бормоқдалар. Ҳар бир заршунос республикамизнинг улкан хирмонига муносиб улуш қўшиш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини арзигулик меҳнат совғаси билан кутиб олиш учун астойдил тер тўкмоқда. Ватанга юбилей йилида мўл, арзон ва сифатли «оқ олтин» армуғон этиш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Равшанки, кўзланган мақсадга бошқа тадбирлар қатори заршуносларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларини намунали йўлга қўйгандагина эришиш мумкин.

Бепоён пахтазорларда 6 миллионлик улкан хирмон учун қизғин кураш кетаётган шу дамларда деҳқоннинг иккинчи уйи саналган дала шийпонларининг аҳамияти беқиёс. У заршуносларнинг чинакам оромгоҳи, оммавий-сиёсий ишларнинг марказидир. Мавжуд дала шийпонларини намунали жиҳозлаш, унда маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган тадбирларни кўпгилдагидек ўтказиш хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан.

Куни кеча рейд бригадаси аъзолари Тошлоқ районининг қатор хўжаликларида бўлиб, шийпонларни жиҳозлаш, уларни пахтакорларнинг иккинчи уйига айлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги билан қизиқдик. Дастлабки суҳбатимиз район партия комитетининг секретари Озода Холматова билан бўлиб ўтди.

— Айни кунда хўжаликларимизда 160 шийпон бўлиб, уларнинг 95 таси типовойдир, — ҳикоя қилади Озода Холматовна. — Шийпонлар мавсумга ҳар томонлама пухта жиҳозланган. Ёнл бошида дала шийпонлари мудирлари иштирокида семинар ўтказилиб, уларга тегишли йўл-йўриқлар берилди, керакли жиҳозлар ажратилди. Бугун диққат-эътибор далада ишлаётганларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатишга қаратилмоқда. Ҳар куни 27 та кўчма киноустановка, 3 та автоклуб, 2 агитбригада ҳамда 9 автолавка пахтакорлар хизматида бўлянти. Райондаги мавжуд 57 кутубхонанинг ходимлари ҳам дала шийпонларида бўлиб, кишиларга маданий озиқ бермоқдалар. Маълумки, райондаги клуб ва кутубхона муассасаларини маркаалаштириш ниҳоясига етказилди. Бу йилги пахта кампаниясида маданий хизмат Тошлоқ, Заркент, Варзак зоналари бўйича уюштирилмоқда. Ана шу йўналиш бўйича кунига бадиий ҳаваскорлик коллективлари, лекторлар сафарбар этилиб, далада ишлаётганларга руҳ ва мадад бағишланянти.

Биз юқорида ҳикоя қилинган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги билан яқиндан таниниш мақсадида хўжаликлар томон юрдик. Дастлаб район санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи билан биргаликда «Ленинград» колхозига кириб бордик. Бизни колхоз партия комитетининг секретари У. Каримов қарши олди.

— Хўжалигимизда 20 та шийпон бор, — деди партком секретари салом-аликдан сўнг мақсадга кўчиб. — Ҳар бир шийпонга бириктилган агитатор яхши фаолият юритянти. СССР Озиқ-овқат программасининг моҳиятини кенг тушунтиришга қаратилган кизиқарли лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар вақтида чиқарилиб турилибди.

Бироқ партком секретари баъзи дала шийпонларида бўлолмаганлиги, уларни мавсумга тайёрлашда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаб ўтди.

Мана А. Қорабоев бошлиқ бригада шийпонидамиз. Шийпон ноқулай ерга қурилган. Дов-дарахт сийрак. Ён-атрофга гуллар, бригада аъзолари учун резавор экинлар экилмаган. Шийпон пахтазорга туташ бўлганлиги сабабли дефолиация даврида ҳувуллаб қолади. Шийпон ёнгинасида уймалашиб юришган пахтакорларнинг жажжи фарзандлари эътиборимизни тортди.

— Улар мавсумий болалар боғчасида тарбияланишади, тарбиячилар эплашолмаянти... — деди бригада бошлиғи ҳайратланганлигимизни сезгач.

Жажжилар хонасидаги манзара ҳам кишини ранжитади. Бу ерда кроватлар, ўйинчоқлар ва бошқа муҳим жиҳозлар етишмайди. Болаларнинг кийим-кечакларини ювиш учун олис ариқдан сув ташиб келтирилади, ғўзапояга илиб қуритиляпти. Дам олиш хонасида палапартишлик. «Қизил бурчак» деб ёзилган хона эшигига қулф осилган. Тоқат билан шийпон мудири А. Ўлмасовни топиб, хонага кирганимизда ташвишли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ердаги стол-стуллар, телевизор, радиоприёмникларни қалин чанг босган, газеталар тахлами қалаштириб ташланган. Плакатлар эскириб, сарғайиб кетган. Кутубхона, кўчма магазин ҳақида гап очмаса ҳам бўлади. Заршуносларнинг таъкидлашларича, бундан бир ой муқаддам бу ерга агитатор қадам ранжида қилган экан, холос.

Раҳим Бобоев етакчилик қилаётган бригадада ҳам аҳвол қувонарли эмас. Шийпонни катта қисмини «Ғунча» болалар боғчасининг филиали эгаллаган. Пахтакорлар учун ажратилган ягона хона ҳам қулфланган. Шийпонда биров-бир панно, плакат, шиорлар кўринмайди. Бино деворлари нураб, ғайз кетган. Хира тортган деразадан дам олиш хонасига назар ташлаймиз. Манзара бу ерда яқин ўртада бирор киши бўлмаганлигига гувоҳлик беради.

Ҳа, бундай шийпонларни деҳқонларнинг иккинчи уйи, оромгоҳи деб айтолмайсан, киши. Шу сабабли, 17-бригада аъзолари дуч келган соясалқин жойларда овқатланиб, ҳордиқ чиқаришга мажбур бўлишянти. Баъзилар эса тушлик қилиш учун уйларига қатнаянти. Бу терим суръатини ошириш, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга салбий таъсир ўтказянти.

«Фарғона» колхози раисининг турмуш маданияти бўйича ўринбосари Малика Иброҳимованинг таъкидлашича, бу ерда пахтакорлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. У бизни 14-бригада шийпони томон бошлади. Мазкур шийпон чиндан ҳам мактаса арзигулик. Яхшилаб ремонт қилинган, кўринарли ерларга турли шиорлар, плакатлар қўйилган. Республика, район, колхоз меҳнаткашларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари дид билан ишланган. «Қизил бурчак»да КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳамда партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материаллари, турли хил адабиётлар мавжуд. Айниқса, дам олиш хонаси, болалар хонаси ҳамда ошхонадаги озодалик, саранжом-саришталик киши эътиборини тортади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда кишиларнинг кўнгилли дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит муҳайё. Бироқ, қизиғи шундаки, туш пайти бўлишига қарамасдан, шийпонда ҳеч ким кўринмасди. Аниқлашимизча, бу намунавий кўргазмали дала шийпони экан. Қурилганидан буён бирор бир пахтакор бу ерда дам олганини эслолмайди. Шу боисдан, улар мазкур шийпонни «Бизнинг музейимиз» дея таърифлашаркан.

15-бригада шийпонида бўлганимизда кишилар уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишларда катта камчиликларга йўл қўйилаётганлигидан ҳақли равишда ранжишаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу бригада шийпони ҳам ташқи кўринишидан анча кўркам бўлсада, бироқ хоналар эҳ, чанг босган, кўпгина жиҳозлар етишмайди. Бугун тушликка қандай овқат тайёрланаётганлиги билан қизиқдик. Бригада ошпази Х. Нурматова «Одатдагидек шўрва», деди секингина. Тайёрланаётган овқатда пиёз, картошкадан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

— Колхозчилар учун ажратилган гўшт қаерга кетди? Ахир биз ҳар куни биринчи навбатда далада ишлаётганларга гўшт маҳсулотлари ажратяпмиз-ку, — юзланди М. Иброҳимова бригада бошлиғига. Сўнг холодильниккинг эшигини очди. Қаранги, бу ерда 10 килограммдан ошиқроқ гўшт бор эди.

— Одамлар пахта деб жонини жабборга бериб ишлаётган бўлса-ю, сиз уларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ўрнига кўпчилик ризқини қийсанг-из, қандай бўлди? — сўроққа тутамиз бригада бошлиғи М. Эргашевни. У оҳиста бош эгди. Барча камчиликларни тугатишга сўз берди.

— Бундай қўнгилсиз воқеани 8-бригадада ҳам учратдик. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Депутатлар постлари, халқ назоратчилари бу каби камчиликларга нега лоқайд қараб келмоқдалар. Ахир, улар бугунги кунда заршуносларга ёнма-ён бўлиши керак-ку.

Сафаримиз сўнггида Максим Горький номли колхозга келдик. Саид Мирзаҳимов бригадаси шийпонида бўлиб, ҳеч кимни учратолмадик.

— Дам олишга вақт йўқ. Ҳамма далада, — деди бригада бошлиғи ҳикоятларидан ўзини қутқариш учун.

Чиндан ҳам бу ерга ҳамма ишлар ҳаваси билан қадам ранжида қилавермайди. Манзара ғоят ташвишли. Бригада бошлиғи билан хонага кирганимизда ҳайратдан ёқа ушладик. Негаки макарон солинган яшиклар уюб ташланган эди.

— Очиғи, буерни омбор қилганмиз, — ростига кўчди бригадир. — Ҳаммамиз катта ариқ ёқасидаги салқин жойда тушлик қиляпмиз. Тўғри, ҳозирча пахтакорлар олдида қарздор бўлиб турибмиз. Яқин кунлар ичида шийпонга алоҳида эътибор берилади...

Юбилей йилида Тошлоқ райони меҳнаткашлари сабот-матонат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Қатор табиий қийинчиликлар туфайли катта майдонлардаги чигит қайта экилди. Ўзларининг интернационал бурчларига содиқ бўлган пахтакорлар ҳар бир ниҳолни қалб кўри, меҳр зиёси билан ардоқладилар. Заҳматли меҳнат туфайли пахтазорларда мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил район бўйича Ватанга 36 минг тонна пахта армуғон этилади. Ана шу эзгу мақсад йўлида қизғин кураш кетмоқда. Бироқ биз юқорида таъкидлаган хўжаликларнинг раҳбарлари, партия комитетлари олтин қўлли заршуносларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида ибратли фаолият кўрсатолмаяптилар. Қаранг, бешта хўжаликда бизга маданий-маиший ишлар учун неча сўм маблағ ажратилганлигини айтиб беришолмади. Ана шунинг ўзи муҳим ишга эътибор сусайтириб юборилганлигидан далолат беради. Текширишдан натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, хўжаликларнинг раҳбарлари шийпонларда жуда кам бўляптилар. Улар далада ишлаётганлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг таклиф-мулоҳазалари бил

# Мард майдонда синалади

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ҲАММА ЖОЙДА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ЖЎШ УРАВЕРСИН

**Республикамиз заршунослари юбилей йили хирмонига 1,5 миллион тонна «оқ олтин» топширдилар. Ана шунинг 85.941 тоннаси ингичка толали пахтадир. 20 сентябрда кунлик ўсиш 111.822 тоннани ташкил этди. Ана шу ҳосилнинг ярмидан кўпроғи —57.611 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Бир кунда 7.899 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.**

Ёғингарчиликлар юзага келтирган қийинчиликларга қарамай, **Тошкент области механизаторлари терим суръатини оширмоқдалар.** Область бўйича бир кунда тайёрланган 14.190 тонна хом ашёнинг 12.541 тоннаси бункерлардан бўшатилди. **Жиззах областида** ҳам тайёрланаётган **пахтанинг асосий қисми машиналар ҳиссасига тўғри келяпти.** Бу ерда бир кунда териб олинган 6.536 тонна пахтанинг 5,400 тоннаси бункерлардан бўшатилди. **Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда машина терими тобора авж олдираётир.**

**ПАХТАКОР УРТОҚЛАРИ** ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИНИНГ ҲАММАСИНИ ИШГА СОЛАЙЛИК! БУТУН КУЧ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ УТКАЗИШГА САФАБАР ЭТИЛСИН!

### ҚҚАССР

Автоном республиканинг **Амударё районида ҳосил йиғим-терими Тошкент технологияси асосида амалга оширилаётир. 353 пахта териш комбайни 57 терим-транспорт отрядига бириктирилган.** Уларнинг составида машиналарнинг юқори иш унумини таъминловчи техника хизмати кўрсатиш ва бошқа звеналар ҳам бор. Ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 4 тоннани ташкил этаётир. «Партия XXII съезди» колхозининг **Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденлари кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Болтабека Адалиева** кунига 11—12 тоннадан пахта теряпти.

Қўл теримида Крупская номли колхоз **теримчиси Амина Ўрозбоева пешқадамлик қилаётир.** 20 сентябрь куни у хирмонга 300 килограммдан зиёд дурдона тўкди.

### Хоразм

**Ўтган куни область пахтазорларида 142 мингдан зиёд теримчи меҳнат қилди. Ҳар бир теримчининг иш унуми 47 килограммни ташкил этди.** Бу кўрсаткич Қўшкўпир районида 62 килограммга, Гурлан районида 56 килограммга тенг бўлди.

**Машина теримида 1200 агрегат иштирок этди ва уларнинг ҳар бири билан қариб 5 тоннадан хом ашё терилди.** Шовот районида машиналарнинг кунлик иш унуми 6,4 тоннага етказилди. Шу райондаги «Ленинград» колхозининг пешқадам механик-ҳайдовчилари **Шариф Бобоев ва Нормат Йўлдошевлар бункерлардан 16—18 тоннадан дурдона бўшатдилар.**

Богот районидаги Нариманов номли колхознинг **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов бошлиқ бригадаси заршунослари юбилей йилида 80 гектар майдонинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлашган.** Коллектив кўзланган марра сари дадил бораяпти. 20 сентябрь кунги бу ерда **йиллик планнинг 20,3 процентга миқдорида пахта тайёрланди.** Бунда механизаторлар Йўлдош Машарипов ва Шомурод Нурматовнинг хизмати катта бўлди. Улар бир кунда 12—14 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Хива районидаги «Хива» колхозидан **Саломат Абдраимова,** Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоздан **Исмонл Шарипов бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди.**

### Сурхондарё

**Қумқўрғон районида мавжуд 376 машинанинг ҳаммаси ишга туширилди. Бу ерда ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 4,2 тоннага етказилмоқда.**

Ипак пахтани машиналар ёрдамида териб олишда Жарқўрғон районидаги **«Сурхон» совхози механик-ҳайдовчиси Хайрулла Шаропов барчага ибрат бўлаётир. 20 сентябрь куни у ўз агрегати бункеридан 13 тонна хом ашё бўшатди.** Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз механизатори **Муродали Қудратов эса бир кунда 12 тонна ингичка толали пахта терди.**

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг **Мамлакат Бегимқулова бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 36,5 центнердан ҳосил кўтариб, пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли уддаладилар.**

### Қашқадарё

Ульянов районидаги «Ғалаба» совхозидан **Кенжа Эгамбердиев, Марям Тошқулова,** Косон районидаги Ворошилов номли колхоздан **Рашид Абдужабборов бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш йиллик плани муваффақиятли уддаланди.** Бу коллективлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

### Бухоро

Ромитан районида **ҳосилни машиналар ёрдамида териб олиш борасида «Октябрь 50 йиллиги» совхози пешқадамлик қилаётир. Бу ерда 62 терим агрегатининг ҳар бири билан кунига 7,3 тоннадан хом ашё терилаётир. Ўғилой Олтинова бошқарувчилик қилаётган бўлимда кунлик ўсиш 8,5 процентни ташкил этди.** Юксак суръатга машиналардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилмоқда. Бу ерда ҳар бир агрегатнинг иш унуми 8,5 тоннагача етказилмоқда. **Тўймурод Ражабов, Қодир Шарипов, Раҳим Нарзуллаев, Музаффар Тоҳиров** сингари пешқадам механик-ҳайдовчилар эса **20 сентябрь куни бункерлардан 16—17 тоннадан хом ашё бўшатдилар.**

Қоракўл районидаги К. Маркс номли колхознинг **Андахол Муродова бошлиқ бригадаси заршунослари 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача ўзидаёқ 40 центнердан ҳосил кўтардилар.** Улар ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

### Андижон

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг **Тўхтабой Кимсанов бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.** Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарилди.

Балиқчи районидаги теримчилари ҳар бир дақиқанинг қадрига етишмоқда. **20 сентябрь куни бу ерда ёғингарчилик бўлишига қарамай, пахтазорларда 16.370 киши меҳнат қилди. Ҳар бир теримчи ҳисобига 51 килограммдан пахта терилди.**

**Жалолқудуқ** районидаги меҳнаткашлари **давлатга дон топшириш йиллик планини 120,2 процент адо этдилар.** Бу меҳнат галабасига «Ёш ленинчи», Димитров номли колхозлар ва Ильич номли совхоз салмоқли ҳисса қўшди.

### Жиззах

Ўтган куни Жиззах районидаги «Москва» колхозида **механик-ҳайдовчи Уроқбой Ёрлақабов шарафига байроқ кўтарилди.** Шу куни у ўз агрегати бункеридан 12 тонна биринчи сорт пахта бўшатди.

Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхозинг **Маркабой Жумабоев бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди.** Қўрғонинг ҳар гектаридан 20,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Бригадирнинг ўзи терим агрегати бункеридан 83 тонна, укаси Бейсенбой Жумабоев эса 31 тонна хом ашё бўшатди.

### Тошкент

Бекобод районидаги Ленин номли колхозидан **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашар Усмонов,** Бўка районидаги Фрунзе номли колхозидан **Қундуз Ашурова,** Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозидан **Рўзибой Ботиров бошлиқ бригадаларда йиллик план муваффақиятли уддаланди.** Бу коллективлар топширган хом ашёнинг 85—100 процента «пўлат этак»лардан тўкилди.

Ўтган куни Бўка районида **Фрунзе номли колхоз меҳнаткашлари пешқадамлик қилдилар. Бу ерда кунлик ўсиш 11 процентни ташкил этди.**

### Наманган

Об-ҳаво ноқулай келишига қарамай областнинг 8 районида терим техникасидан оқилона фойдаланилмоқда. 20 сентябрь куни Тўрақўрғон **районн пахтазорларида 100 агрегат ишлатилди. Ҳар бир агрегат бункеридан ўртача 3,2 тоннадан пахта бўшатилди.**

Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан **Бозорхон Эрматова ва Исмонл Иброҳимовлардан иборат онлавий экипаж мавсум бошидан буён 130 тонна пахта терди.** Бу онлавий экипаж мавсумда 400 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

### Самарқанд

Ўтган куни Нарпай районидаги «Победа» колхозининг **Ҳикмат Бердиёров бошлиқ бригадасида область бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди. Бу ерда кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 12,5 процентга тенг бўлди.** Бунда механизатор Исолом Очиловнинг хизмати каттадир.

### Фарғона

Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг **Сотиболди Худойқулов бошлиқ бригадаси йиллик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.** Бригада деҳқонлари 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтардилар. Эндиликда коллектив 60 центнерлик марра учун курашмоқда. Шу хўжаликдаги **Камолиддин Турдиалиев бошлиқ бригада азаматлари ҳам мажбурият ҳисобига пахта топиришга киришдилар.**

### Сирдарё

Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг **Абдурайим Мамалатипов бошлиқ бригадаси азаматлари қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтариб йиллик планни уддаладилар.** Чўлқуварлар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Москва районидаги «Октябрь» колхози Андижон областидаги илғор хўжаликлардан бири. Айни кунларда колхоз далаларида уруғлик пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин тус олянти. Гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш заршуносларнинг қалб шнорига айланган.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз бош агрономи М. Ботиров ва пешқадам механизатор А. Қодировлар уруғлик пахта сифатини кўздан кечиришяпти. 2. Чапоқлар табассуми. 3. Чевар теримчи Э. Қорахўжаева.

Ж. ТЎРАЕВ фотолари.

## МЕҲНАТИМИЗ — ЮБИЛЕЙГА

Ўн биринчи беш йиллиннг иккинчи йилида ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ҳосил йиғиштириб олиш бригадамиз пахтакорларининг ягона орзусидир. Ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилдик. Натижада барча пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди.

Шу кунларда пешона тери эвазига тўпланган «оқ олтин»нинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай, сифатли йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Бригадамизнинг пахта хирмонини тезроқ бунёд этишда кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Айниқса, Ю. Жўраева, К. Юнусова, Х. Жўраева, Г. Матмуродова, Н. Назарова, С. Жўраева каби ўртоқларнинг ҳар бири кунига 140—170 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Юбилей йилида 12 тонна «оқ олтин» териб, бригада хирмонига тўкишга сўз бергаиман. Айни кунларда ана шу ваъдамни бажариш учун барча чораларни ишга солянман. Ҳамкасбларим билан ўзаро беллашиб ишлаётганим яхши самаралар бермоқда. Кунига 160—180 килограммдан пахта териб тўкяпман.

**О. ИСОҚОВА,**
**Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхозининг кўпмингкилограммчи теримчиси.**

## УЛКАН ХИРМОН УЧУН

**Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

| | | |
|---|---|---|
| **БУХОРО ОБЛАСТИ** | | |
| Риждувон | 56,14 | 15,29 |
| Олот | 45,33 | 2,63 |
| Бухоро | 44,05 | 0,16 |
| Когон | 41,78 | 1,41 |
| Қоракўл | 39,01 | 4,57 |
| Свердлов | 38,91 | 1,64 |
| Вобкент | 38,77 | 1,22 |
| Шофирикон | 37,23 | 0,75 |
| Ромитан | 32,53 | 7,65 |
| Пешку | 32,44 | 1,18 |
| **ХОРАЗМ ОБЛАСТИ** | | |
| Гурлан | 51,45 | 18,26 |
| Хива | 46,07 | 14,78 |
| Шовот | 45,01 | 21,58 |
| Хонқа | 43,02 | 21,44 |
| Янгибозор | 40,56 | 21,69 |
| Ҳазорасп | 39,66 | 7,92 |
| Қўшкўпир | 34,99 | 10,17 |
| Янгиариқ | 33,92 | 17,58 |
| Боғот | 33,80 | 16,84 |
| Урганч | 33,12 | 10,34 |
| **СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ** | | |
| Ленин йўли | 44,32 | 50,73 |
| Қумқўрғон | 43,39 | 17,95 |
| Денов | 29,81 | 3,89 |
| Термиз | 29,74 | — |
| Бойсун | 29,21 | 24,07 |
| Шеробод | 28,85 | 24,76 |
| Шўрчи | 28,00 | 4,45 |
| Сариосиё | 27,80 | 7,75 |
| Олтинсой | 25,23 | 2,54 |
| Ангор | 24,42 | 4,53 |
| Жарқўрғон | 23,70 | 1,79 |
| Гагарин | 17,03 | 14,97 |
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР** | | |
| Тўрткўл | 42,27 | 6,55 |
| Элликқалъа | 36,03 | 13,02 |
| Беруний | 35,92 | 12,47 |
| Чимбой | 26,86 | 16,81 |
| Хўжайли | 25,81 | 18,55 |
| Нукус | 24,95 | 14,69 |
| Амударё | 24,10 | 5,25 |
| Шуманай | 23,23 | 13,52 |
| Ленинобод | 22,08 | 9,46 |
| Кўнғирот | 21,73 | 5,01 |
| Кегайли | 19,42 | 10,80 |
| Қораўзак | 15,72 | 11,12 |
| **НАВОИЙ ОБЛАСТИ** | | |
| Қизилтепа | 32,88 | 9,81 |
| Навбаҳор | 30,31 | 1,38 |
| Навоий | 23,63 | 0,13 |
| Хатирчи | 22,72 | 5,00 |
| **ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ** | | |
| Бўка | 39,65 | 41,09 |
| Оққўрғон | 32,80 | 29,17 |
| Ўрта Чирчиқ | 26,66 | 27,37 |
| Янгийўл | 24,59 | 14,05 |
| Бекобод | 23,92 | 11,22 |
| Коммунистик | 21,33 | 19,91 |
| Пискент | 21,06 | 20,34 |
| Чиноз | 17,91 | 11,25 |
| Ғалаба | 17,67 | 17,19 |
| **НАМАНГАН ОБЛАСТИ** | | |
| Наманган | 37,01 | 7,30 |
| Уйчи | 35,13 | 3,49 |
| Тўрақўрғон | 35,10 | 20,49 |
| Чортоқ | 30,40 | 5,29 |
| Янгиқўрғон | 30,21 | — |
| Чуст | 28,42 | — |
| Норин | 25,24 | 7,12 |
| Косонсой | 19,31 | — |
| Поп | 18,79 | 3,51 |
| Учқўрғон | 18,58 | 10,16 |
| Задарё | 7,17 | 1,88 |
| **АНДИЖОН ОБЛАСТИ** | | |
| Ленин | 36,40 | 0,34 |
| Андижон | 30,93 | 0,12 |
| Москва | 28,41 | 1,37 |
| Олтинкўл | 28,37 | 1,42 |
| Пахтаобод | 26,93 | 0,76 |
| Избоскан | 26,53 | 3,35 |
| Хўжаобод | 22,93 | — |
| Балиқчи | 22,00 | 0,91 |
| Марҳамат | 20,94 | 0,10 |
| Бўз | 17,37 | — |
| Комсомолобод | 15,58 | 1,70 |
| Жалолқудуқ | 12,58 | — |
| Қўрғонтепа | 12,45 | — |
| **ФАРҒОНА ОБЛАСТИ** | | |
| Ленинград | 36,54 | 0,79 |
| Киров | 27,25 | 7,21 |
| Охунбобоев | 25,51 | 3,87 |
| Қува | 24,64 | 5,41 |
| Тошлоқ | 24,58 | 6,20 |
| Бувайда | 24,49 | 1,82 |
| Узбекистон | 23,95 | 3,76 |
| Бағдод | 21,04 | 3,35 |
| Риштон | 20,67 | 1,13 |
| Фрунзе | 20,60 | 1,00 |
| Фарғона | 19,78 | 1,14 |
| Олтиариқ | 18,39 | — |
| Қувасой шаҳри | 13,97 | 0,73 |
| Езёвон | 11,35 | 0,42 |
| **ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ** | | |
| Шаҳрисабз | 31,51 | 2,41 |
| Қўқдала | 30,06 | 1,63 |
| Қамаши | 29,86 | 7,76 |
| Яккабоғ | 29,41 | 4,26 |
| Китоб | 25,68 | 3,58 |
| Қарши | 24,64 | 14,87 |
| Чироқчи | 24,39 | 6,59 |
| Ғузор | 21,49 | 3,03 |
| Косон | 20,77 | 10,89 |
| Ульянов | 18,02 | 7,90 |
| Муборак | 17,71 | 17,65 |
| Баҳористон | 17,69 | 10,51 |
| Яккабоғ | 16,15 | 8,05 |
| Усмон Юсупов | 9,53 | 2,12 |
| Толлимаржон | 4,95 | 0,90 |
| **САМАРҚАНД ОБЛАСТИ** | | |
| Каттақўрғон | 28,70 | 11,60 |
| Пахтачи | 27,54 | 17,77 |
| Нарпай | 26,01 | 11,17 |
| Оқдарё | 19,00 | 1,37 |
| Иштихон | 18,16 | 3,23 |
| Пастдарғом | 17,50 | 0,30 |
| Жомбой | 15,86 | 2,43 |
| Пайариқ | 13,92 | 2,43 |
| Большевик | 13,60 | 2,63 |
| **ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ** | | |
| Фориш | 17,52 | 3,16 |
| Жиззах | 16,34 | 6,20 |
| Зарбдор | 9,49 | 5,02 |
| Октябрь | 8,52 | 7,72 |
| Арнасой | 8,42 | 7,39 |
| Дўстлик | 7,29 | 8,49 |
| Мирзачўл | 6,60 | 4,23 |
| Пахтакор | 6,40 | 5,13 |
| **СИРДАРЁ ОБЛАСТИ** | | |
| Комсомол | 12,01 | 10,64 |
| Ильич | 11,63 | 11,89 |
| Меҳнатобод | 9,01 | 5,64 |
| Сирдарё | 8,42 | 3,27 |
| Ворошилов | 8,33 | 7,78 |
| Боёвут | 7,12 | 3,37 |
| Гулистон | 6,13 | 2,35 |
| Ховос | 4,71 | 2,32 |
| Оқолтин | 2,03 | 0,57 |

# Дунё овози
## чет эл хабарлари

## БОЛИВИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ЛИМА, (ТАСС). Боливия меҳнаткашлари ўзларининг касаба союз бирлашмаси — Боливия ишчилар марказининг фармойишига биноан умуммиллий забастовкани тўхтатдилар. Забастовка мамлакатда чуқур сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишлар амалга оширилишини талаб қилиб ўтказилган эди. 1980 йил июлида давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни босиб олган ҳарбийлар ҳокимиятни ўн кунлик муддат ичида граждан ҳукуматига топширишга тайёр эканликларини билдиргганларидан кейин забастовкани тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ҳарбийлар тўнтаришдан кейин тарқатиб юборилган миллий конгрессни чақиришга ҳамда унга республика президенти лавозимига кўрсатилган уч номзоддан қайси бири 1980 йилнинг июнида ўтказилган ялпи сайлов вақтида энг кўп овоз олган бўлса, ўшани президент қилиб сайлашни топширишга рози бўлдилар. Ҳарбийлар ялпи сайлов натижаларини бекор қилган эдилар. Ўз навбатида президент ҳукуматини тузади.

Шу кунларда кўпгина илғор касаба союз ташкилотлари Э. Силес Суасо президент лавозимини эгаллаши керак, деган фикрни билдирмоқдалар. Сайловда сўл кучлар — демократик ва халқ бирлиги фронтининг вакили бўлиб қатнашган Э. Силес Суасо ўшанда кўп овоз олган эди.

Демократик ва халқ бирлиги фронтининг вакиллари, шу жумладан коммунистлар бу ерда ташкил этилган матбуот конференциясида шунга розн эканликларини билдирдилар. Фронт халққа муроҳаат этиб, ўнг доираларнинг иғвогарликларига учмасдан ҳушёр бўлиб туришга даъват қилди. Фронтнинг фикрича, президент лавозимини сўл кучлар блокининг вакили эгаллаши керак, чунки унинг программаси кенг халқ оммасининг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Айни вақтда сиёсий обзорчилар миллий конгрессда кўпчиликка эга бўлган ўнг партиялар Э. Силес Суасони ҳокимиятга йўлатмасликка ҳаракат қилиб кўришлари эҳтимолдан холи эмас, демоқдалар. Мамлакатда тескаричилар кескин активлашиб кетганликлари тасодифий эмас.

## ТЭТЧЕР—СУДЗУКИ МУЗОКАРАЛАРИ

ТОКИО. Япония пойтахтида Англия бош министри М. Тэтчер билан Япония ҳукуматининг бошлиғи Д. Судзуки ўртасидаги музокаралар савдо-иқтисодий масалалар юзасидан кескин ихтилофлар вазиятида ўтмоқда. М. Тэтчер Японня Англиядан мол харид қилишидан кўра, ўзи уч баравар кўп мол сотмоқда, деб таъкидлаб, икки томонлама савдода кескин дисбалансининг тугатилишини талаб қилмоқда. М. Тэтчер ўз мамлакатининг иқтисодий қийинчиликларини, доимий тус олган ишсизликни пеш қилмоқда. Япония томони Англия бош министрининг талабларига жавобан ҳозирча ҳеч қандай конкрет тадбирларни илгари сурганн йўқ.

(ТАСС).

## ҲУКМРОН ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДИ

ҚОҲИРА. Бу ерда Мисрдаги ҳукмрон партия-миллий-демократик партиянинг III съезди иш бошлади. Матбуот хабарларига қараганда, съезд қатнашчиларининг асосий эътибори экономика проблемаларига жалб этилади. Экономика талайгина қийинчиликлари ҳамон бошидан кечирмоқда. Давлат бюджетининг камомати рекорд даражага етди, миллий саноатнинг бутун-бутун тармоқлари инқирозга учради, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръатлари мамлакат эҳтиёжларини қондира олмаяпти, пулнинг қадрсизланиши ва қимматчилик ўсмоқда. Аҳолини бой ва камбағал табақаларга ажратаётган социал жарлик кенгайиб бормоқда. Тараққиётпарвар жамоатчилик мана шу салбий ходисаларнинг ҳаммасини кейинги йилларда «очиқ эшиклар» деийлган иқтисодий сиёсатнинг ўтказилиши билан бевосита боғламоқда. Бу сиёсат аслида Мисрни капиталистик тараққиёт йўлига қайтарди.

## КОБУЛНИНГ САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

КОБУЛ, 21 сентябрь. (ТАСС муҳбири). Кобул шаҳар клиникаси Афганистондаги энг катта шифохоналардан бири бўлиб, Афганистон пойтахти меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатувчи асосий марказдир.

Ҳозирги вақтда шаҳар давлат корхоналарининг ишчи ва хизматчиларидан 48 мингдан ортиқ киши энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юқори малали медицина ходимларига эга бўлган ана шу клиникада бепул медицина ёрдами олмоқдалар.

Сўнгги пайтларда мазкур медицина муассасасида янги анъана пайдо бўлди. Клиника врачлари профилактик кўрик ўтказиш мақсадида пойтахт корхоналарига бора бошладилар. Бешта катта корхонада клиника базасида медицина марказлари ташкил этилган бўлиб, бу марказлардан ишчи ва хизматчилар биринчи медицина ёрдами билан бирга, мутахассис врачнинг малакали маслаҳатини ҳам олишлари мумкин.

Совет врачлари бу муассасанинг ишида катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар беморларни даволабгина қолмай, шу билан бирга иш жойларида ёш миллий кадрларни тайёрламоқдалар. Совет мутахассисларидан таълим олган кўпгина афғон мутахассислари ҳозирги кунда Афганистонинг турли районларида ўз муқаддас бурчларини муваффақиятли адо этмоқда.

**Р. МУСИН.**

## АҚШДА МОСКВА ОЛИМПИАДАСИ

САН-ФРАНЦИСКО. Америка телевиденнеси Москвадаги XXII ёзги Олимпиадага бағишланган «Спорт, сен — тинчликсан» фильмини биринчи марта экранда кўрсатди. Фильмни Си-Би-Эс компаниясининг Сан-Франциско-даги филиали намойиш қилди. Америка жамоатчилигида зўр қизиқиш уйготган бу кўрсатув реклама учун ҳеч қандай танаффуссиз давом эттирилди. Бу эса Америка телевиденнеси учун камдан-кам учрайдиган воқеадир. Вашингтонлик кўр сиёсатчиларнинг хоҳиш-иродаси билан ер юзидаги атоқли спортчиларнинг беллашувларини кузатиш имкониятидан маҳрум бўлган американлик спорт мухлислари эндигина Москвадаги Олимпиадани томоша қилиш бахтига муяссар бўлдилар.

«Спорт, сен — тинчликсан» фильмини намойиш қилиш арафасида у спорт журналистлари ва телевидение танқидчилари учун кўрсатилди. Улар Москвадаги Олимпиада ўйинларининг ташкил этилишига гоят юксак баҳо бердилар ва Лос-Анжелесда ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари учун Москва ўйинлари тажрибасини имкони борича тўлароқ ўрганиб чиқиш истагини билдирдилар.

# СПОРТ

● ХОККЕЙ

## ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

**СССР чемпионатининг биринчи лигаси иштирокчилари ҳам бу йилги мавсумнинг илк учрашувларини ўтказишди.**

Тошкентнинг «Бинокор» командаси ҳоккейчилари чемпионатнинг дастлабки матчида Череповецнинг «Металлург» коллективи билан куч синашишди. Рақиблар ўртасидаги биринчи ўйинда бинокорчилар ташаббускорликда ҳаракат қилишди. Пировардида командамиз 5:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Такрорий учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Бунда «Металлург» ҳоккейчилари мағлубият «ўчи»ни олишга эришишди. Ўйин 2:1 ҳисобида череповецлик спортчилар фойдасига ҳал бўлди. Дастлабки турдаги энг йирик ҳисоб Пензада қайд этилди. Бу ерда Новосибирскнинг «Сибирь» клуби майдон эгалари — «Дизелист» командаси билан бўлган биринчи кунги учрашувда 11:2 ҳисобида голиб чиқди. Такрорий матчда ҳам меҳмонлар устун келдилар — 8:4.

● БОКС

## ҒОЛИБЛАР САФИДА

**Донецкда ўтказилган Бутуниттифоқ турнири ниҳоясига етди.**

Мусобақа давомида мамлакатимизнинг 50 шаҳридан, шунингдек Польшадан келган 230 нафар боксчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Турнирда пахтакор ўлкамиз шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз орасида, айниқса, тошкентлик Р. Ахмедов ва М. Матчоновлар яхши иштирок этишди. Улар саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, ҳал қилувчи финалда ҳам рақибларини дорда қолдирдилар. Пировардида бу икки боксчимиз ўз вазни бўйича ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Бошқа вазн категорияларида бўлган финал «жанг»лари ҳам қизиқарли ўтди. Бунда «Металлург» ҳоккейчилари мағлубият «ўчи»ни олишга эришишди. Ўйин 2:1 ҳисобида череповецлик спортчилар фойдасига ҳал бўлди. Дастлабки турдаги энг йирик ҳисоб Пензада қайд этилди. Бу ерда Новосибирскнинг «Сибирь» клуби майдон эгалари — «Дизелист» командаси билан бўлган биринчи кунги учрашувда 11:2 ҳисобида голиб чиқди. Такрорий матчда ҳам меҳмонлар устун келдилар — 8:4.

# ПИСТАЗОР ВА ЧОРВАЧИЛИК

*МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ*

Озуқаларнинг сифати, уларни тайёрлашнинг ўсиши, сақланиши ва моҳирлик билан фойдаланилиши чорвачиликни юксак даражага кўтаришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасининг таркибий қисми, ишлаб чиқаришни интенсивлашда самарадорлик калити эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Табиат бойликларидан моҳирлик билан фойдаланиш, ламмикор ерлар унумдорлигини ошириш қўшимча мўл ҳосил етиштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Ўзбекистоннинг тоғли зоналаридаги пистазорларни ҳам ана шундай ерлар жумласига қўшиш мумкин.

СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида ўрмон хўжалигини юритишни ўрмонлардан самарали фойдаланиш принципларига аста-секин ўтказиш кераклиги таъкидлаб ўтилади. Табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларини тўла сақлаб қолиш учун курашни кучайтириш, эрозиянинг олдини олиш экин майдонларини селдан, ўпирилиб кетишдан сақлаш, дарахтзорларни кенгайтиришга имконият туғдиради. Булар шу кунинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир.

Иқлим шароитларининг қаттиқлиги: ҳароратнинг юксаклиги, ҳаво намлигининг пастлиги, ёғингарчиликнинг кам бўлиши Ўзбекистондаги тоғ зоналарининг унумдорлигини оширишда катта қийинчиликлар туғдиради. Ана шу хусусиятлар эрозия жараёнларининг кучайишига олиб келибгина қолмасдан, айни пайтда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам қийинчиликлар содир қилади. Эрозия жараёнлари кучайган ерларда чорвачилик озуқа базасининг асосий-табиий яйловлар майдони камайиб кетмоқда.

Иҳота дарахтзорларини барпо қилиш эрозия жараёнларини тўхтатиш ёки зарарини камайтиришнинг энг таъсирчан усулидир. Тоғ ёнбағирлари ва қияликларда дарахтлар. Ўсимликларнинг ўсиш шароитлари ноқулайлиги ўрмон-мелиорация ишларида дарахтлар ва буталарнинг алоҳида навларидан фойдаланишни тақозо қилади. Писталар шу мақсадлар учун энг қулай бўлиб, яхши ривожланган ва ерга чуқур жойлашиб оладиган илдизлари билан қияликларни мустаҳкамлайди, бош шохлари катта ерларга соя тушириб, тупроқнинг нурашини камайтиради.

Табиий пистазорлар сийрак бўлиб ўсади. Бунинг сабаби — кўчатларнинг униб чиқиш шароитлари ноқулай бўлишидадир. Нам етишмаслиги ҳар бир дарахтнинг озиқланиш майдони бош шохи ташлаб турадиган соядан бироз каттароқ бўлишига олиб келади. Писталарнинг бу биологик хусусияти туфайли анчагина майдонлар дарахтлардан бўш ва ҳоли бўлади. Бу ўз навбатида яйловлар сифатида фойдаланиладиган ўтларнинг ривожланиши учун яхши шароит яратади. Ўтлар айни пистазорлар орасида ўсган тақдирдагина тури кўпайиши ва яхши ривожланиши аниқланган.

Табиий пистазорлардан ҳар доим яйловлар сифатида фойдаланиб келинган. Микроқлим яхши, намлиқнинг юқори бўлиши, соя тушиб туриши, шамолдан ҳоли бўлиши туфайли бундай ерлардан гектар бошига 36,6 центнердан кўк масса олинади. Пистазорлар бўлмаган ерларда ўтлар ҳосилдорлиги гектар бошига бор-йўғи 21,4 центнерни ташкил этади. Шундай қилиб, пистазорлар орасида ўсган ўтлар ҳосилдорлиги анча юқори. Бунинг устига пистазорлардаги яйловлар боқилган ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳам қияликларда парвариш қилинганига нисбатан анча юқори бўлади.

Ўзбекистон тоғлари ва қияликларида писталардан сунъий ўрмон-мелиоратив дарахтзорлар системасини барпо қилиш ўсимликларнинг ривожланиш шароитини тубдан ўзгартириб юборади. Иҳота дарахтзорлари тупроқ ва сувни муҳофаза қилади, тартибга солади, ўзлари эгаллаб турган ва туташ территорияларда табиий-иқлим шароитларини яхшилайди, мазкур ерлар унумдорлигини оширади, хўжаликларнинг меҳнат ва маблағлар тежалади.

Сунъий ўрмон-мелиоратив дарахтзорларни барпо қилишнинг иқтисодий самараси яна шу билан изоҳланадики, тупроқнинг юриниб ва ўпирилиб кетиш ҳоллари камаяди, кўплаб миқдорда ёғоч, мева ва бошқа маҳсулотлар олинади. Сунъий пистазорлардан олинаётган иқтисодий самаранинг яна бир асосий кўрсаткичи шуки, пичанзорлар ва яйловларда мол боқишдан ҳам қўшимча маҳсулот олишга эришилади.

Бу ўринда табиий ўтлар ҳосилдорлиги қай даражада ўсишини бир-бирига таққослаш характерлидир. Масасан, ўрмон-мелиоратив пистазорлар бунёд қилинган ерларнинг ҳар гектаридан олинган кўк масса ҳосили ўрмонсиз майдонлардаги ўтлар ҳосилидан икки марта зиёдроқдир, ёки гектарига 45,7 центнерни ташкил этади. Шундай экан, қўйлардан олинган қўшимча гўшт гектарига 127,4 килограммга, ана шу чорвачилик маҳсулотини реализация қилишдан келган фойда 118,2 сўмни ташкил қилади.

Бу масалани Жиззах, Самарқанд ва Навоий областларининг ерлари туташадиган биргина Нурота тоғ регионимисолида кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги натижаларни кўрамиз. Агар тоғнинг умумий майдони 210 минг гектарни ташкил этса, табиий пистазорлар бор-йўғи 21 минг гектарни эгаллайди. Нуротада бирон-бир мелиоратив тадбирнни қўлланмасдан ҳам ҳозирги кунда умумий пистазорлардан йилига 768,6 минг центнер кўк масса олиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Нурота тоғида эрозияга қарши кўчатлар ўтказиш қулай бўлган ерлар 11 минг гектарни ташкил қилади. Бу ерлардан ҳам йили 1,2 миллион центнер кўк масса ёки 6665,5 тонна қўшимча гўшт олишга эришиш мумкин.

Писталардан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта иқтисодий фойда келтирибгина қолмасдан, айнан пайтда молларни ҳайдаб боқишни яхши ташкил этиш, чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратишда ҳам катта роль ўйнайди.

**В. ГРИГОРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

**Иўлдош Норқулов 25 йилдан бери ўрмончилик касбини шарафлаб, яшилликни яшнатиб келяпти. У айни пайтда Зомин ўрмон хўжалигида инженер бўлиб ишламоқда. Штатсиз фотомухбиримиз. О Одинаев олган ушбу суратда ўртоқ И. Норқуловни кўриб турибсиз.**

*ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР*

## ЎРМОҚОРА

**Ўрмоқора шифобахш ўсимликлардан бўлиб, қизғалдоқлар оиласига киради. Лотин тилида глаусиум слеганс дейилади. У тоғли ўрмонларда денгиз сатҳидан 2000 метрга қадар баландликда ўсади. Халқ медицинасида ўрмоқора қайнатилиб, синган-чиққан ерлар, кўз ва парҳез касалликларини даволашда қўлланилади. Шунингдек, ички ва ташқи жароҳатларни даволашда фойдали бўлиб, уни мўмиё ўсимлиги деб атайдилар. Унинг тана, барг қисми ва илдизида анча миқдорда алкалоидлар мавжуд. Бундан ташқари витаминлар, оплов модалар, глюкозидлар, кислоталар ҳам бор.**

**Ўрмоқора табиий ҳолда Чотқол, Угам, Қоржонтоғ қоллари ва даларларида ўсади. Бўйи 40—50 сантиметр чамасида бўлиб, гули кўкиш, барглари панжасимон. Июль ойида гуллаб, уруглаб кўпаяди. Уни гуллаганда йиғиб, салқинда қуритиш ва тегишли ташкилотларга топшириш лозим.**

**М. ТУЙЧИЕВ.**

# ҚАНДАЙ НАВЛАРНИ БИЛАСИЗ?

*ҲАВАСКОР БОҒБОНЛАР ДИҚҚАТИГА*

Серқуёш республикамизнинг иқлим ва тупроқ шароити олма, анор, анжир, узум, хурмо, гилос, жийда, олча, ёнғоқ, бодом, писта каби мевали дарахтларни ўстириш учун жуда қулайдир. Асрлар мобайнида халқимиз томонидан мева ва узум навларини етиштириш устида кўп ишлар қилинган ва бой тажриба тўпланган. Ҳозирги пайтда республикамизда турли мева ва узум навлари кўплаб ўстирилмоқда, янги боғ-роғлар, узумзорлар барпо қилинмоқда.

Мевачиликка доир тарихий манбалар, асрдан-асрга ўтиб келаётган маслаҳатлар, қимматли фикрлар, китоблар мавжуд. Лекин улардан ҳали кенг кўламда фойдаланилмаётир.

Академик Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи серҳосил, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли 1000 дан ортиқ узум, 500 дан ортиқ ўрик, шафтоли, гилос, 200 дан зиёдроқ анжир, анор, бодом, ёнғоқ ва жилон-жийда каби мева навларини тўплаб, улар устида илмий ишлар ва кузатишлар олиб бормоқда. Кейинги йилларда ўзумнинг янги серҳосил, йирик ғужумли, уруғсиз, мускат ҳидига эга бўлган ажойиб навлари етиштирилди. Шу билан бир вақтда илмий ходимларимиз ҳали ўрганилмаган, истиқболли мева ва узум навларини йиғиб, сонини кўпайтиришда тарихий манбаларни кенг ўрганиб мужассамлаштирмоқдалар.

Республикамизда халқимиз севган боғдорчилик ва узумчиликни янада тез суръатлар билан ривожлантиришда янгидан-янги истиқболли, серҳосил мева, узум навлари ҳам катта роль ўйнайди. Шундай экан, бундай навларни топиб, кенг жорий қилишимиз керак. Бу ишда бизга ёрдам беришингиз, тарихий манбаларни маълум қилишингизни сиз, муҳтарам газетхонларимиздан илтимос қиламиз. Мева ва узумнинг мавжуд стандарт турларидан ташқари топилган қадимий ,янги ва истиқболли навлари тўғрисида, боғдорчилик, узумчилик тарихига доир материаллар ва манбаларни ёзиб юборишларингизни илтимос қиламиз.

Олимларимиз сизлардан келган маълумотларни ўрганиб, керакли хулосалар чиқаришади, зарур топилган ноёб мева, узум навлари ва турлари ўрганилади ҳамда кўпайтиришга киришилади.

Азиз дўстлар, биз қатъий ишонамизки, халқимизнинг ҳаваскор боғбон-соҳибкорлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бу ишда фаол қатнашадилар ва шу билан халқимиз дурдонаси ҳисобланган шифобахш мева навлари, тарихий хулосалар, тушунчаларни авлоддан-авлодга етказишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар. Юборилган мева ва узум навлари маъқул деб топилса, шунингдек, юборилган тарихий материаллар чоп этилса, ҳар бир кишининг авторлик ҳуқуқи сақланади.

Хат ёзилганда тўлиқроқ маълумотлар бериш билан бирга ўзингизнинг адресингизни ҳам аниқ ёзинг. Материалларни қуйидаги адресга юборинг: Тошкент, Главпочтамт, аб-яш 16, Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси дирекциясига. **М. МИРЗАЕВ,**
**бирлашма директори.**

*Қатралар*

## ФИДОЙИ

Оқшом. Бир неча дўстлар билан чойхўрлик қилардик. Жўжаларни бошлаб юрган она товуқ безовталаниб қолди. У тут кўчатлари оралаб югуриб, қанотини қоқди-да, шиддат билан дам у ён-дам бу ён ўзини урарди. Аввалига ҳайратландик.

Кейин ҳаммаси аён бўлди. Жўжаларга ҳужум қилмоқчи бўлган қора мушукнинг тут кўчатлари орасидан ўтишига қаршилик қиларди она товуқ.

Эй, буюк табиат! Оналар зотига фақат фидойилик бахшида этганинг учун сенга таъзим!

## Ҳ У К М

Охирги асалари уясидаги рамкаларни кўздан кечириб бўлган ҳам, эдимки, диққатим уянинг кичик эшиги атрофидаги ғужғойга қадалди. Асаларилар нимаиндир тортиб чиқаришарди. Ниҳоят, у нарса кўринди. Асаларилар ўлик ҳолатдаги бир арини уя «эшиги»дан нарига ташлашгач, ортига қайтишди.

Синчиклаб кўздан кечирдим. Ер бағирлар ётган қора асалари бўлиб хонадонимиздаги сариқ Кавказ асаларисидан анчагина фарқ қиларди. Асалариларнинг азалий одати ёдимга тушди. Кузда машаққатли бол йиғишдан эринган, бегона уядаги асалга ўғирликка тушган текинхўрга одатдаги ҳукм ижро этилганди.

## УРИШҚОҚЛАР

Куркалар галасини ҳеч кузатганмисиз? Баҳор ва куз ҳавоси уларга ниҳоятда манзур бўлади. Ана шу фаслларда куркалар доирасимон айланиб, қанотларини ёзишади-да, «рақс»га тушишади.

Бундан ҳам ҳайратли ҳоллари кўриш мумкин. Кенг майдонда ўтлаб юрган икки курка хўрозчаси бўй тортишиб, уришиб қолди. Уларни ажратмоқчи бўлиб, бир курка яқинлашди. Яна бир неча курка келиб, хўрозчалар ўртасига тушди. Жанг тўхтади. Аммо бу узоқ давом этмади. Хўрозчалар орқага қайтишди. Ўтлоқдаги куркалар яна қайтишди-да, хўрозларни чўқиб, икки томонга ҳайдаб юборишди.

Ўрта мактабдаги таълимот ёдимга тушди. Ҳайвон ва паррандаларнинг хатти-ҳаракатларини рефлекс «ўз ичига» оларди.

Қизиқ. Уришқоқ куркаларни қайта-қайта ажратиш, наҳотки, рефлекс бўлса?

**Эркин МУИДИНОВ,**
**табиатшунос.**

## Рассом хандаси

**Емоннинг кучи яполоққа етибди...**

**Радио карнайидан:**
**—..Бир-икки! Очиқ ҳавода юришни давом эттиринг!**
**Чуқур нафас олинг!..**
Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

*ОНА ТАБИАТНИ БИЛАСИЗМИ?*

## ЎЛКАМИЗ НАБОТОТ ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

**Викторинамизнинг ўтган сафарги саволлари ҳам газетхонларимизда катта қизиқиш уйғотди. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг кўпчилиги саволларга тўғри жавоб йўллашга ҳаракат қилишган. Чунончи, 27 июнда эълон қилинган саволларга Тошкент шаҳридан М. ИСҲОҚОВА аниқ жавоб берган. Фарғона область Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси Б. МАМАТОВА, Андижон область Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхоздан Н. МИРЗАРАҲИМОВ, Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Ж. ШАМУРОТОВ, Фарғона область Риштон районидан С. БОЛТАБОЕВ ва бошқалар биринчи ҳамда иккинчи саволни тўғри топиб, учинчисида янгилишишган. Биз викторинамизда иштирок этаётган барча табиат мухлисларига чуқур миннатдорчилик билдириб, улар эътиборига талдаги саволларни ҳавола этамиз.**

**Азиз газетхонлар қуйидаги суратларда нималар акс этган?**

**Жавобларингизни кутамиз,**
**А. ЛЕСНЯК фотолари.**

# ОВЧИ ВА ҚУЁН

**Бўлган экан бир овчи—**
**Қуёнларни овловчи.**
**Қуёнлар бу овчидан —**
**Бераҳм овловчидан**
**Жуда безор бўлишди,**
**Роса озор кўришди.**
**Қутилсак деб бизз зора,**
**Ахтаришди кўп чора.**
**Бир куни она қуён**
**Фикрини этди баён:**
**Бераҳм бу овчини—**
**Қуёнлар овловчини**
**Бошлаб борай айиққа,**
**Чангалзор ўрмон ёққа.**
**Қуёнлар маъқуллашди,**
**Маслаҳатни қўллашди.**
**Қуён қутди овчини—**
**Бераҳм овловчини.**
**Овчи келиб ўрмонга**
**Боқди ҳамма томонга.**
**Ўрмон гўзал шунчалар,**
**Сайрашади қушчалар.**
**Югуриб она қуён**
**Боқди-да у ён-бу ён**
**Овчивойни тоштирди,**
**Ортидан эргаштирди.**
**Овчи олиб милтиғин**
**Тўғрилаб унга тиғин**
**Ишониб ўз кучига,**
**Ўрмонзорнинг ичига**
**Кирган эди югуриб,**
**Айиқни қолди кўриб.**
**Ақлин қўйди йўқотиб,**
**Дод, деди милтиқ отиб.**
**Ўқ айиққа тегмади,**
**Айиқ қаддин эгмади.**
**Айиқнинг жаҳли ошиб,**
**Овчига яқинлашиб,**
**Бир шапалоқ туширди,**
**Юз-лунжини шиширди.**
**Кимлигини билдириб,**
**Милтиғини синдириб,**
**Иргитади сой томонга,**
**Жазо шудир ёмонга.**
**Беҳуш ётар овчивой,**
**Деолмайди ҳатто, вой.**
**Нима бўлди у ёғи?**
**Қимирламас оёғи.**
**Бу ўхшайди тушига,**
**Сўнгра келди ҳушига.**
**Қараса кун ботибди,**
**Айиқ ухлаб ётибди.**
**У бироз киргач кучга**
**Нафасин ютиб ичга**
**Эмаклади сой томон,**
**Бир панароқ жой томон.**
**Қуённи отаман деб,**
**Терисин сотаман деб,**
**У айиққа тутилди,**
**Сўнгра аранг қутилди.**
**Етиб келди қишлоққа,**
**Гап тарқади ҳар ёққа...**
**Шундан буён у овчи—**
**Қуёнларни овловчи**
**Бу ишини қилиб бас,**
**Қуёнларни овламас.**

Саодат ТОЖИ.

# БИЙРОН ТУ́ТИ

**Бухорода табиатни жон-дилидан севадиган, унинг бойликларини кўз қорачиғидек асрайдиган, ўз уйларида қушларни меҳр билан парвариш қиладиган кишилар кўп.**

Қуш ишқибози Убайдулла Жўраев — ана шундай кишилардан бири. У область статистика бошқармасида ишлаш билан бир вақтда ўз уйида турли хил қушларни асрайди. Улар орасида «Ваня» лақабли сенегал тўтиси мени қизиқтириб қолди. У ўзига узатилган бир шингил узумни панжасида ушлаб, иштаҳа билан ея бошлади. Ҳаммамиз унга ҳайратланиб боқиб қолдик. Қушча узумни шундай берилиб ердики, бундан ҳайратланмай бўлмасди.

Баъзан у кўзларини ўзини қуршаб турган кишиларга ҳайрон бўлганча тикарди. Гўё бу билан «узум ейишимга халақит беришмаяпти», деётгандек кўринарди.

Бу тўтиқуш ёнидаги катакчаларда асралаётган бошқа қушлар ҳам эътиборни тортмай қўймайди. Қуш ишқибози Убайдулла канарейка ва кўкчумчуқни урчитиш йўли билан олинган бир қушчани бизга кўрсатди. Унча катта бўлмаган бу қушча патлари икки хил рангда: орқасининг ярми сариқ бўлса, ярми зангори.

Ҳозирги кунда Убайдулла Жўраев хонадонида асралаётган қушлар 300 тадан ошиб кетди. Улар уй шароитларига кўникиб кетишган. Япон амадиналари, йўлйўл амадиналар, тилло ва олмос рангидаги қирговуллар, кареллалар, ёввойи ўрдаклар, розеллалар, амазонлар ва бошқа қушлар ана шулар жумласидандир.

Шуни айтиш керакки, Убайдулла Жўраев манзаралари ва сайроқи қушлар область, республика кўргазмаларида мунтазам равишда иштирок этади. Яқинда Тошкент шаҳрининг А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган манзарали ва маҳаллий қушларнинг анъанавий республика мусобақасида қатнашиб, катта муваффақият қозонди. У қуш ҳаваскорлари орасида учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Убайдулла Жўраев «Табиатни муҳофаза қилишдаги алоҳида хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

**Н. РАЖАБОВ.**

Суратда: У. Жўраев ўз тўтиқушлари билан.
Х. Ражабов фотоси.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

## Телевидение

### ПАЙШАНБА
23 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Очилган қўриқ». Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия.
11.55 Т. Вольская чалади [домбра].
12.15 «Биз БАМни қураяпмиз».
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси:
«Усталар».
«Ўрмонларнинг хўжайини».
16.10 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси.
16.35 «Совет тасвирий санъатида коммунист образи». Кўрсатувда СССР халқ рассоми Д. Налбандян иштирок этади.
17.30 Халқ оҳанглари.
17.45 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи.
18.15 А. Вампилов. «Деразаси далага қараган уй». Телевизион спектакль.
18.45 Рус композиторларининг романслари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Иркутск область ёғоч тайёрловчилари ва ўрмончи химикларининг иш тажрибаси ҳақида.
19.55 «Очилган қўриқ». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.
22.30 «Дунё воқеалари».
22.45 «Нима! Қаерда! Қачон!». Телевизион викторина.
23.55 Совет композиторларининг лирик қўшиқлари.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Капитанлар». Бадиий фильм.
19.50 М. Глинка. Катта секстет.
20.15 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Брянск машинасозлик заводи.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 «Кельбажар қариялари». Телевизион ҳужжатли фильм.
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов» — «Трактор». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Качканар». Ҳужжатли фильм.
12.00 Кичкинтойлар учун. «Фонарик» [рус.].
12.30 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Булоқ бошидаги воқеа», «Алдаркўса». Болалар учун мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Мангу қарздор». Телевизион фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 03197.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1120.